Туркий адабиётнинг бизга маълум намояндаси машхур «Хибат ул-хакойик» асарининг муаллифи Ахмад Югнакий бўлганлигини кайд этиш мумкин. Ахмад Югнакий хакидаги маълумотларни биз XV асрга оид Алишер Навоий, Арслон хожа Тархон ва бошкалар ёзиб колдирган маълумот хамда шоирнинг ўз ёзганларидан биламиз.
Манбаларда Ахмаднинг тугилган жойи Югнак деб аталади. Бу номдаги кишлоклар кадимги Самарканд атрофи, Фаргона водийси ва Сирдарё бўйларида мавжуд бўлган. Ахмад онадан кўзи ожиз тугилди. Алишер Навоий бу хакда шундай ёзади: «Хак субхонаху ва таоло агарчи зохир кузин ёпук яратгандур, оммо кўнгил кузин багоят ёрук килгондур». Ахмад ёшлигидан жуда кобилиятли ва зийрак бўлган.
Унинг илмий-назарий рисолалар ёзган ёки ёзмаганлиги бизга номаълум. Адиб Ахмад салохиятли шоир ва ахлок муаллимидир. Ундан бизгача етиб келган ягона яхлит асар «Хибат ул-хакойик» («Хакикатлар тухфаси») достони бўлиб, 484 мисрадан иборат. Бу асарнинг бу-гунгача 3 та тўлик кўлёзмаси, 2 та айрим парчалари сакланиб колган. Улардан энг кадимгиси 1444 йилда Самаркандда Улугбекнинг нуфуз-ли амирларидан Арслон хожа Тархон топширигига кўра, котиб Зайнул Обилии ибн Султонбахт ал-Журжоний ал-Хусайний томонидан уйгур ёзувида кўчирилган. Матн орасидаги оят, хадис ва айрим байт-лар араб ёзувида. Асар номи мазкур нусхада «Атабатул хакойик» («Хакикат эшиклари») деб кўрсатилган. Кейинги нусха уйгур ва араб ёзувларида бўлиб, 1480 йилда Туркистондан Истамбулга бориб колган истеъдодли котиб Шайхзода Абдураззок бахши томонидан кўчирилган. Турк олими Нажиб Осим 1914—1916 йилларда ушбу нусхани топиб, тадкик этиб нашрдан чикарди. Учинчи кўлёзма араб хатида бўлиб, унга Туркия султони Боязид II (1481 — 1512)нинг мухри босилган. Демак, бу нусха хам XV аср охири XVI асрнинг бошида кўчирилган бўлиб чикади. Асар 14 бобдан иборат бўлиб, биринчи 5 бобини мукаддима кисми деб аташ мумкин. Унда ягона Аллохи таолога хамд, Расулуллох (САВ) га наът, тўрт улуг сахобалар — хўлафойи рошидин мадхи, амир Мухаммад Дод-сипохсолорбек ва фазилат эгаси Анас ибн Муовияларга багишланган мадхиявий сатрлар мавжуд. Мукадди¬ма кисмининг охирида достоннинг ёзилиш сабаби баён этилган. Асар Мовароуннахрда ёзилган бўлиши керак, чунки буюк амир Мухаммад Дод-сипохсолорбек турк ва ажам мамлакатларининг хукмдори деб улугланган, араблар эсга олинмаган.
«Хибат ул-хакойик» асари ёзилган даврда форсий ва туркий достонлар учун умумий бўлган муайян шеърий шакл () хали мавжуд эмас эди. Шу сабабдан асарнинг мадхиявий кириш кисмлари ўша давр араб адабиётига хос бўлган касида жанридан ижодий фойдаланиб ёзилган. Аммо достоннинг асосий кисми ва хулосаси кадимги туркий огзаки адабиётида кенг кўлланилган тўртликлар шаклида ёзилган. Шу сабабли достон хажмини байтлар (2 сатрли банд системаси) билан ўлчаш тўгри эмас. Ахмад Югнакий номига «Адиб» сўзи кўшиб айтилиши маълум сабабга эга. У ўзини шоир эмас, балки адаб илми намояндаси деб билади. Унинг достони хам туркий элатларга исломий одоб коидалари, маънавий-ахлокий камолот сирларидан таълим беришга мўлжалланган. Буни ундаги боб сарлавхаларидан хам англаш мумкин. Биринчи боб (аннавъул-аввал) — «Илм манфаати ва жахолатнинг зарари хакида» деб аталган. Маълумки, исломнинг илк нозил бўлган оятлари «Икра!» (яъни, «Ўки!») деб бошланади ва илмга ташвик этиш ислом маънавиятининг мухим асосларидан бирини ташкил этади. Достон матни орасида пайгамбаримнзнинг «Илм Чин эли (яъни Хитой)да бўлса хам, ўрганинг!» деган хадислари

араб тилида келтирилган ва ушбу фикр туркий тўртликлар шаклида шархланган. «Саодат йўли билим билан билинади», дейди Адиб. У билим эгаси бўлган аёл кишини эрлар каторида кўради, билимсиз эркакни эса аёлдан хам заиф билади.
Алишер Навоий ўз асарида Адиб Ахмад достониинг ушбу бобидан энг эркин тимсолни келтирган:
Сўнгакка илик тур, эранга билик,
Биликсиз эран ул иликсиз сўнгак.
Арслон хожа Тархон туздирган матнда шу сатрлар бироз бршкачарок жаранглайди:
Сўнгакка йиликтек эранга билик,
Эран курки акл, ул сўнгакнунг йиллик.
Билим эгаси вафот этганда хам унинг номи бокий колади, деб хулосалайди шоир, аммо билимсиз киши тиригида хам ўликдан фарки йўкдир. Адиб Ахмад билимсизликни коралаб яна Расулуллох (САВ) хадисларига мурожаат этади: «Тангри хеч качон жохилларни азиз килган эмас». Илм кадрига факат маърифатли одам етади, нодонга эгир кишини бой этади, илм ахлини эса араб хам, ажам хам олкишлайди.

Дархакикат, Адиб Ахмад яшаган давр, амрико о.<ими Франц Ро-у гснталь таъбири билан айтганда, «илм тантанаси» даври эди- Адиб Ахмад минтака маданиятидаги мислсиз камолот йўлнинг иштирок-чиси эди. Аммо давр мураккаб, ўта зиддиятли гам эДи- Бу холат илк |уркий пандноманинг кейинги боблари мундарижсида ўз аксини топган. Иккинчи боб «Тилни тийиш ва бошка одоблар хакида» деб номланади. Бу бобдаги машхур сатрлар:
«Тилинг бекта тутгил тишинг синмасун, кали чикса бекта, тишингни сийур».
Алишер Навоийнинг Адиб Ахмад хакида ёзганларида бироз ўзгар-ган холда такрор этилади. Адиб фикрича, киши бошига хар кандай иш тушса, тили туфайли содир бўлади, баъзилар яхшилик кўради, баъзилар афсус чекади. Ахмок одамнинг тили — душмани, кўп ки-шиларнинг тили туфайли кони тўкилди. Адиб Ахмад бехудагўйлик ва ёлгон сўзлашни каттик коралайди. Сўзнинг тўгриси ва кискаси яхши деб хисоблайди. Боб давомида сир саклашнинг мухимлиги таъ-кидланади, «хатто якин дўстингдан хам эхтиёт бўл»— дея огохлан-тиради шоир. Бундай огохлантиришлар замонанинг калтислигани эслатиб турарди. Учинчи боб хам шунга мувофик «Дунё холатлари-нинг ўзгариб туриши ва дунё ахлида вафо камлиги хакида». Адиб Ахмад ўз асарини кексалик чогида ёзганлиги ушбу боб мазмунидан сезилади. Адиб дунёнинг ўткинчилиги, киши умрининг елдек ўти-ши, обод ўлкалар хароб бўлиб, доноларнинг купи дунёни тарк этга-нини афсус билан кайд этади. Дунё бир кўли билан кишига асал тутса, иккинчи кўли билан огу тутади.
Шу сабабли «егулигинг ва кийгулигинг бор бўлса, кўп хам мол-дунё йигишга ружу кўйма», дейди Адиб.
«Хибат ул-хакойик» асари асосий кисмининг кейинги 4—7- боблари хам инсонларнинг юксак фазилатларини таърифлаш, нуксонларини коралашга багишланган. Уларда саховат, кўли очиклик, та-возеъ, инсонларга мехрли бўлиш, вафоли, шавкатли, халим табиатли, кечирувчан, камтар бўлиш таргиб килинади, бахил ва очкўз-лик, молпарастлик, газабнок ва такаббурлик, риёкорлик, бесабрлик, зулм ва зўравонлик, сафсатабозлик каттик кораланади. Асар бошдан оёк тавхид эътикодига таянади, муаллиф фикрлари Аллох таолонинг муборак оятлари, Расулуллох (САВ)нинг хикматли хадис-лари билан далилланади. Туркий тилда битилган шеърий матн ора-сида катор оятлар, 20 дан ортик

хадисларнинг асл арабий матни келтирилган, улар туркийда шеър воситасида шарх этилган. Умуман олганда, «Хибат ул-хакойик» тил жихатидан жуда кадимий, аммо асрлар давомида кўп кўчирилиб, котиблар томонидан тушуниш кийин жумлалар соддалаштирилган, кейинги асрлар тил унсурлари асарга анча таъсир кўрсатган. Достоннинг илмий-танкидий матнлари 1951 йилда туркиялик олим Рашид Рахмат Арат, 1972 йилда узбек олими козокбой Махмудов, кейинчалик козогистон олимлари томонидан турли кўлёзмаларни чогиштириб тайёрланди ва чоп этилди. Бу нашр-лар барчаси XV—XVI асрлар матнига таянади, чунки кадимийрок кўлёзмалар сакланиб колмаган. Достоннинг барча мавжуд кўлёзмаларида асл муаллиф матни охирида илова килиб, бир номаълум котиб (ёки шоир) ва Амир Сайфиддин (шоир Сайфий)нинг алохида тўртликлари хамда Арслон хожа Тархоннинг 10 байтли маснавийси илова килинган. Бу шеърий иловалар кейинги асрларда кўшилган бўлиб, тил хусусиятларига кўра хам Адиб Ахмад асаридан фарк килади. Улар мазмуни асосан достон муаллифини таъриф этиш, унинг хаёти ва ижоди хакида кўшимча маълумотлар беришга каратилган. Арслон хожа Тархон Адиб Ахмад асарини «кашкарий тил била» ёзилган дейди, аммо муаллифнинг ўзи — «Анин уш чикардим бу туркий китаби деб» ёзган эди. Демак, VI—VII асрларда шаклланиб бўлган умум-минтака туркий тилини Адиб Ахмад даврида «туркий» аташган бўлса, кейинчалик маданий-адабий марказ корахонийлар пойтахтига кўчгач, уни «кошгарий» тил деб аташ расм бўлган ва Улугбекнинг амири ушбу кейинги атамадан фойдаланган. Умуман Адиб Ахмад достони тил хусусиятларини Култегин, Тунюкук, Билка коон битиклари билан киёслаб ўрганиш туркий маданият такомилини тўгри англаб етишда катта ахамият касб этган бўлур эди.

Илк мутафаккирлардан бўлмиш Адиб Ахмад Мовароуннахр ва Хуросонда туркий элатлар маданиятини юксалтиришда катта хизмат килди. XI—XII асрларда ижод этган Махмуд Кошгарий, Юсуф Хос Хожиб, Ахмад Яссавий каби нафакат узбек халки, балки бутун турк олами, хатто ислом минтакасининг буюк алломалари ичида Адиб Ахмад мухим ўрин эгалайди. Алишер Навоий у хакда шундай ёзади: «Хейли элнинг муктадоси эрмиш. Балки аксар турк улусинда хикмат ва нукталари шоедур (Кўпгина эл унга иктидо киладилар, яъни эргашадилар. Унинг хикматли сатрлари ва нозик ишоралари аксарият туркий халклар орасида таркалгандир). Асосан маснавий шаклида ёзилган «кутадгу билик» асарида юзлаб туркий тўртликлар учрайдики, вазн ва кофияланиши, баъзан мазмуний йўналиши айни Адиб Ахмад достонидаги тўртликлар кабидир. Ахмад Яссавий хикматларида хам мувофик жойлари йўк эмас.

«Хибат ул-хакойик» асари Узбекистонда кенг ўрганилиб, ўзбек адабиёти тарихи дарсликларига киритилган.